



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулшвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одижоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Яраш Гаффоров ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....	4
2. Жуммагул Абдурахмонова, Улуғбек Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	11
3. Жавлонбек Бегалиев ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....	18
4. Ҳамза Жўраев БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	24
5. Jahongir Inoyatov JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....	31
6. Жамшид Кўчаров АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....	37
7. Айгуль Раимова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ФАН.....	45
8. Шохсанам Сулаймонова ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	51
9. Солежон Тошев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....	57
10. Фарход Усманов XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	63
11. Шухрат Қудратов XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	72
12. Сулаймон Ҳайдаров ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	78

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жавлонбек Райимназарович Бегалиев,
Чирчик давлат педагогика институти
“Тарих” кафедраси докторанти,
javlonbek.begaliyev@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар)

For citation: Javlonbek R. Begaliyev. HISTORY OF COPYRIGHT LAW IN UZBEKISTAN (1940-1950 years). Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.18-23

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада бирламчи архив ҳужжатлари маълумотлари асосида Бутуниттифок муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси (БМХХБ) нинг Ўзбекистон бўлими томонидан XX аср 40-50 йилларида амалга оширилган фаолият таҳлил қилинган. Уруш йилларда муаллифларга бўлган эътиборнинг етарли даражада бўлмаганлиги, соҳага доир айрим камчилликларнинг салбий оқибатлари ҳамда давр охиридаги ижобий ўзгаришлар натижасида муаллифлар контингентида ўсиш кузатилганлиги, томоша кўрсатувчи муассасалар ва республика бўлими ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинган ва керакли илмий хулосага келинган.

Калит сўзлар: қарздорлик, нашриёт, афиша, экспертиза, филм, эстрада, филармония, таржимон.

Жавлонбек Райимназарович Бегалиев,
Докторант кафедраси «Истории»
Чирчикского педагогического института,
javlonbek.begaliyev@mail.ru

ИСТОРИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА В УЗБЕКИСТАНЕ (1940-1950 годы)

АННОТАЦИЯ

В статье на основе данных первичных архивных документов анализируется деятельность, осуществляемая Департаментом по защите прав всеобъединенных авторов (УВЗАП) Узбекистана в 40-50-е годы XX века. Были проанализированы отношения между учреждениями и Департаментом Республики и сделан необходимый научный вывод в результате недостаточного количества авторов в военные годы, негативных последствий некоторых недостатков в сфере, а также положительных изменений в конце периода, наблюдалось увеличение содержания авторов.

Ключевые слова: заимствование, издательство, плакат, экспертиза, кино, эстрада, филармония, переводчик.

Javlonbek R. Begaliyev,
Doctoral student, Department of History
Chirchik Pedagogical Institute,
javlonbek.begaliyev@mail.ru

HISTORY OF COPYRIGHT LAW IN UZBEKISTAN (1940-1950 years)

ABSTRACT

The article analyzes the activities carried out by the Department of protection of rights of all-Union authors (UNHCR) in Uzbekistan in the years 40-50 of XX century on the basis of primary archive documents. The relations between the institutions and the Department of the Republic were analyzed and the necessary scientific conclusion was reached as a result of insufficient number of authors in the war years, negative consequences of some shortcomings in the sphere, as well as positive changes at the end of the period, an increase was observed in the content of the authors.

Index Terms: borrowing, publishing, poster, expert, film, Variety, Philharmonic, translator.

1. Долзарблиги:

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Бутуниттифоқ муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси (БМХХБ)нинг Ўзбекистон бўлимига: фронтдаги театрларни материал билан таъминлаш, уруш кечаётган марказий шаҳарлардан муаллифларнинг кўчириб келтирилишга доир эҳтиёт чораларини кўриш, фронторти ишларга бошқарма ходимларини жалб қилиш, муаллифларнинг моддий аҳволини яхшилашга қаратилган ҳаракатлар, вазифа сифатида белгиланиши, уларнинг ижроси билан боглик муаммоларни ҳам келтириб чиқарган.

Муаллифлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боглик ҳолатларнинг кўпайиб бориши натижасида, асарлар экспертизаларини кўплаб ўтказишга тўғри келди. Уруш йилларида муаллифларнинг кўчирилиш, фронторти ишларга жалб этилиши, қалам ҳақларини ўз вақтида тўлаш билан боглик муаммоли ҳолатлар муаллифлар контингентига салбий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда бошқарма фаолиятида кадрлар етишмовчилиги юзага келган эди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, анализ, синтез, тарихийлик ва холислик, тарихий-қиёсий, хронологик усуллардан фойдаланилди.

Ўзбекистонда Муаллифлик ҳуқуқи муҳофозаси тарихи билан боглик тадқиқот ишларида асосан, ҳуқуқий жиҳатларга эътибор берилган. Республикада Раҳмонқулов Ҳ.Р., Зокиров И.Б., Насриев И.И., Ҳакимов Р.Т., Худойбердиева Г.А., Тошев Б.Н ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларда ўз аксини топган. Аммо келтирилган муаллифларнинг асарлар ва мақолаларда асосан, тадқиқотнинг мустақиллик даври ўрганилиши билан бир қаторда, фақат ҳуқуқий жиҳатларга эътибор қаратилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Собиқ совет давлатларида шу жумладан: Ўзбекистон ҳудудларида ҳам муаллифларга қалам ҳақи тўлаш ва уларнинг муҳофозаси билан боглик ҳолатларга эътибор берилганда ҳам ижобий ҳам салбий ҳолатларни кўриш мумкин. Иккинчи жаҳон Уруши Бутуниттифоқ Муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси (БМХХБ) олдига янги-янги вазифаларни кўйди.

Биринчи вазифа-фронтдаги театрларни адабий-муסיқавий материал билан таъминлаш эди. Бу вазифа Москва ва Ленинград оммалаштирувчи бўлимлари томонидан бажарилар эди.

Иккинчи вазифа-ҳарбий ёзувчилар оилалари моддий ҳолатини энгиллаштириш каби талабларни бажариш бошқарманинг зиммасига юклатилди. Қатор ҳудудларни душман вақтинча ишғол қилган даврда, бу ерларда яшовчи хизматчилар Шарққа кўчирилди. Бир қисм

хизматчилар асосий ҳужжатлар билан бирга Москвадан Чистополь ва Тошкентга олиб чиқиб кетилган ва бу ерда ёзувчиларнинг асосий қисми кўчирилган эди[1]. Шарқдаги шаҳарлар ичида Тошкентнинг бошқарма тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг кўчириш учун танланганлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган республика бошқармасининг самарали ишлаётганлиги муносабати билан боғлиқдир. Соҳа ходимлари кўчирилиш билан бир қаторда, Москва ва бошқа шаҳарларни мудофаа қилиш чоғида хизматчилар мудофаа ишлари қурулишларида иштирок этишди. Натижада Иккинчи жаҳон урушининг сўнги даврларига келиб, Ўзбекистон ССР Бўлими ёмон ишлаётганлиги ва бу фикрнинг тасдиғи сифатида қисқа муддат ичида бўлим Директорлари уч нафари алмашганлиги, жумладан: ўртоқ Гуревич ишни удалай олмаганлиги маълум қилинган [2]. Бўлим Директорларининг вазифасидан олинишига, ҳисоботларни кечикиши, белгиланган режа бажарилмаганлиги ва қарздорлик билан боғлиқ ҳолатлар сабаб бўлган.

Ўзбекистон ССР Муаллифлар ҳуқуқини муҳофоза қилиш бўлими фаолиятини қўшни мамлакатлар бўлимлари билан солиштирганда, уларнинг фаолияти ҳам танқидга олинганлигини архив ҳужжатларида кўриш мумкин. Қозоғистон ва Туркменистон ССР республикалари бўлимлари энг ночор аҳволда эканлиги айниқса, Тожикистон ССР бўлими Директори ўртоқ Бронский бўлим ишларига кам эътибор бериб, фақат Сталинобод шаҳрида хизмат кўрсатилади, бошқа шаҳарлар ва районларда жуда ёмон хизмат кўрсатилиши ва Режа фақат 50% га бажарилган таъкидланган. Кўриниб турибдики, уруш йилларида марказ ва унга яқин ҳудудлардаги бўлимларнинг фаолиятигина нормал ҳолатда бўлган.

БМХХБсининг айрим ваколатларга ега эмаслиги ва муаллифлик ҳуқуқларини қўриқлаш тарихи ва назариясини ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи махсус бўлимнинг йўқлиги Бошқарманинг камчилиги бўлиши билан бир қаторда, чекка республикаларда фаолият юритган бўлимларнинг иш сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Бошқарма нафақат театрлар, балки муаллифлик меҳнатининг бошқа соҳалари – кино, радио, нашриёт ва ҳокозалар билан боғлиқ масалалар билан ҳам шугулланиши ҳамда уруш туфайли чекка республикаларга кўчирилган совет муаллифлари ҳуқуқларини қўриқлаш масаласининг вужудга келиши ваколатларни кенгайтиришни тақозо этди.

Назарий масалалар соҳасида қуйидагиларга тўхталиб ўтиш мумкин:

Биринчидан - Бошқарма муаллифларнинг моддий манфаатлари, асарларни қўриқлаш билан бир қаторда бошқаларнинг асарларидан ноқонуний фойдаланиш фактларига йўл қўймаслик кераклиги;

Иккинчидан - муаллифлик қалам ҳақи ставкалари асл асарлар ставкалар, таржима ёки сахналаштирилган асарлар билан бир хил эканлигига чидаб бўлмайди. Асл асарлар яратишни ҳар томонлама рағбатлантирилмаганлиги ва муаллифлик қалам ҳақи тўлаш мажбурияти тўғридан-тўғри муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонундан келиб чиқилмаслиги;

Учунчидан - Сахналаштирувчи шартномаларда ўхшашликлар кўринади, кўпгина шартномалар муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунни бузиш билан тузилган. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун Сахналаштириш бўйича ягона намунавий шартномани ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этилмаганлиги назарий масалалар соҳасига етарли даражада эътибор берилмаганлигини кўрсатади. Бошқарманинг муаллифлар олдидаги жавобгарлиги масаласи ҳал қилмаган. Жумладан, Муаллиф ўз қалам ҳақини бевосита театрлардан оладими ёки Бошқарма орқали оладими? Бу ҳақида кўрсатма мавжуд эмас эди.

Айрим ҳолатларда сахналаштирилган асарлар Афишаларида муаллифларнинг номи тўғри келтириб ўтилмайди, бу хатолик кўпроқ таржимонлар билан боғлиқ эди. СССР бўйича муаллифлик қалам ҳақлари тўлашнинг ягона ставкалари мавжуд бўлмаган [3]. Марказ ва Республикалар ўртасида қалам ҳақи тўланишдаги фарқлар ҳамда Томоша кўрсатувчи муассасаларда Асл асар муаллифлари номларининг тўғри кўрсатилмаганлиги БМХХБсининг Республикалар муаллифларга бўлган муносабатини ижобий эмаслигини кўрсатади.

БМХХБ тизимида фаолият олиб борадиган барча ходимлар муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар билан таниш бўлишлари талаб қилинган, чунки Бошқарма театрлар билан эмас, балки муаллифлик ҳуқуқлари ва қонунни бузувчи айрим томоша кўрсатувчи

муассасалар раҳбарлари билан курашган. Муаллифлик ҳуқуқларини кўриқлаш соҳасида 40 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатган Дерижкиннинг таъкидлашича, айрим театрлар директорлари доимий равишда вакилни чалгитишга ҳаракат қилишган, хусусан, кўриқланадиган пьеса таржимасини инкор қилиб, кўриқланмайдиган пьеса бўйича маълумотлар беришади [4]. Вакилларнинг энг охириги кўрсатмалар билан таъминланмаганлиги, мавжуд пьесалар каталогининг мавжуд эмаслиги, Санъат ишлари бўйича қўмита томонидан филармонияларга барча дастурларни махсус журналда мажбурий ёзиб бориши тўғрисида кўрсатма бермаганлиги вакиллар ишини қийинлаштирган.

Вилоят нашриёти вакил орқали муаллифларга қалам ҳақи тўлаган, аммо асарларни кўчириб босганда, муаллифлар манзили нашриётга номаълум бўлиб қолган. Бунга сабаб “айрим ҳолатларда муаллифларнинг Москвага кетиб қолганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Рахимий Одил, Берништейн ва Собутскийлар кетишган ва уларнинг қайерда хизмат қилиши ҳам маълум эмас эди” [5]. Муаллифларнинг доимий яшаш жойларини ўзгаришига қарздорликликлари ва уни тўлаш имкониятлари йўқлиги сабаб бўлган. Бу эса юқорида келтириб ўтилган яни, нашриётларда муаллифнинг манзили билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарган.

40-йилларга келиб БМХХБ кутибхонасига, чиқарилаётган ҳар бир бадиий асар келиб тушушини таминлаш зарур эди. Бунинг учун махсус комиссия тузилиб, пьесалар, опералар, оперетта ва балетлар, эстрада ва таржима асарлари каталоглари шакллантирилди ва энг яхши зарурий қўлланмалар асар муаллифдан ҳам олинган эди.

Уруш даврида БМХХБ кўпгина яхши вакилларни йўқотди. Буни рақамларда кўришимиз мумкин. Уруш бошланган даврда бутун ССР Иттифоқида 615 та вакиллар бўлган бўлса, 1945-йилнинг 1-июлида эса – 385 та нафар вакил фаолият олиб борган. Вакиллар орасида кўнимсизлик ҳам кузатилган, бу ҳолат рағбатлантиришнинг камлиги билан изоҳланади. Демак, иккинчи жаҳон урушидан сўнг тизимда жойларда фаолият олиб бориши керак вакилларга бўлган эҳтиёж катта бўлганлигини кўриш мумкин.

Марказ ва республикалар бошқармаларидаги муаммолар: аниқланмаган қалам ҳақининг катта суммада мавжудлиги ва муаллифлик қалам ҳақларини улар ҳисобларига тарқатишнинг кечикиши билан боғлиқ эди. Бу хизматчилар сонининг етарли эмаслигига боғлиқ бўлиб, муаллифларнинг ҳуқуқининг талаб қилиши учун мурожаат қилишига олиб келарди. Аммо расмий ҳужжатларда Агар томош кўрсатувчи муассасалар муаллифлик қалам ҳақини тўлашни икки ҳафтадан зиёд вақтга чўзса, унда нотариал ижро варақаларини кенг қўллашлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан, юқоридаги муаммоларни юзага келганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги айрим камчилликларга қарамасдан, Муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилан амалий чоралар ҳам кўрилганлигини инкор этиб бўлмайди. Оммалаштириш бўлими уруш даврида пьесаларни ёзув машинасида 100 нусхагача ва стеклографда 300 нусхагача бўлган ададда босиб чиқарилди. Уруш даврида ҳарбий қисмлардан 5000 гача мижозлар бўлимга пьесалар учун махсус келишди. Ҳарбий қисмлар ва турли ташкилотлардан бўлим ўнлаб ташаккурномалар олди. Юқорида келтирилган рақамлар ва натижалар фақат марказгагина тегишли эмас, балки республика бўлимлари ҳам шу жараёнларда фаол иштирок этди.

Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жараёнларида асарлар экспертизаси муҳим ўрин тутган. Муаллифлар кўпчилик ҳолатларда экспертиза хулосаларига эътироз билдирмаган. Аммо мунозара суд орқали ҳам қилинган ҳолатлар бўлган. Театрлар, нашриётлар ва ҳ.к эътирозларни бошқарма бевосита музокаралар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Агар бу ижобий натижага олиб келмаса, унда судга мурожаат қилинган. Суд қарори кўпинча муаллифлар фойдасига ҳал бўлган.

Бошқарманинг ҳуқуқий иши нафақат муаллифлик қалам ҳақини ундиришда намоён бўлибгина қолмасдан, балки муаллифлик ҳуқуқидан қонуний фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилди. Баъзи муаллифлар томонидан бегона асарлардан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари кузатилиб турарди. Бундай ишларни тўғри ҳал қилиш учун Бошқарма экспертиза

хизматига мурожаат қилди. Айниқса, эсртада асарлари бўйича кўплаб экспертизалар ўтказилди. Бошқарма малакали экспертлар кучлари билан асарлар экспертизасини олиб борди. Масалан, 1944-йилда 340 та экспертиза ўтказилди, 1945-йилда эса уларнинг сони 450 га етди [6]. Малакали экспертлар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирлар асарларнинг сифати билан бир қаторда, мавжуд ҳалтурага қарши курашди. Бу эса уруш йилларида ҳам бошқарманинг муаллифларни имкон қадар ҳимоя қилинганлигини кўрсатади. Бошқарма амалий фаолиятида қатор қизиқарли принципиал ишлар ҳам учраб турган. Жумладан, композитор мусиқавий асар яратиш чоғида, матн муаллифи ҳуқуқини бузганлиги учун, нашриётдан олган қалам ҳақини қайтариб берарди.

Марказлаштирилган тартибда ўтказиладиган концертларда вакилларга мукофот пуллари тўлаб берилган, агар вакиллар жойларда муаллифлик қалам ҳақи тўланмайдиган концертлар тўғрисида маълумот берганлиги учун улар тўланиши керак бўлган мукофотнинг 50% ини олишган. Бунда давлат манфаатлари билан бир қаторда муаллифларнинг ҳам ҳимоя қилиш назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Бошқарманинг бундай каскин қарорга келишига томоша кўрсатувчи муассасаларнинг ноқонуний ҳаракатларини мунтазам давом этиши сабаб бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Юқорида келтирилган фикрнинг исботи сифатида томоша кўрсатувчи муассасалар мавжуд буйруқларга қарамасдан, ижро этилган асарларнинг аниқ ҳисобини олиб бормаслигини келтириш мумкин. Қонун кўрсатмаларига қарамасдан, нашр этилмаган пьесалар муаллифларнинг рухсатсиз театрлар томонидан қўйилган ҳолатлар ҳам учраб турган [7]. Бу ҳолат муаллифлар томонидан барча ҳудудлар бошқармаларига муржаатлар келиб тушишига сабаб бўлган эди. Натижада марказ ва ҳудуд бошқармалари қонун талабларини бузган театрларни тартибга чақирган ва зарур ҳолатларда масалани судга ошириш тавсиясини берган. Шунинг учун БМХХБ марказ ва республикалардаги муаммоли ҳолатларни олдини олишга ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, муаллифлар ҳисобларига қалам ҳақларини тарқатишдаги кечиктиришларни тугатиш, бошқарманинг ижоди ташкилотлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва томоша кўрсатувчи муассасаларда Ревизия ишини кучайтирган. Бу ҳолат тўлиқ бўлмасда юқоридаги муаммоларни ечимига ёрдам берган. Томоша кўрсатувчи муассасалар раҳбарлари ва вакиллар ўртасида муносабатларни бузилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Буни филармония мисолида ҳам кўриш мумкин, вакил концертлар учун тўлов талаб қилганда, у вакилга қўпол муносабатда бўлган. Бу ҳақида БМХХБ хабар топгандан сўнг, филармония директоринга огоҳлантириш берилганлиги ҳақида хат келган. Шундан сўнг директор билан вакил ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилди.

Айрим ҳолатларда таржимонларга рус тилидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилганлиги учун шартномада қанча мукофот пули тўланиши кўрсатилган бўлса, бу мукофот пули 100% миқдорда тўланганлигини архив ҳужжатлари орқали кўришимиз мумкин. БМХХБ раҳбари Г.Хесин биз қуйидаги таржима фильмлари учун, кино студиянинг гувоҳномаси ва муаллифлик ҳақини тўлиш учун сертификатлар юбориши ҳақида Тошкিনостудияга хат юборган [8].

Тожиев Жўрага қўшимча “Қишлоқ ўқитувчиси” фильми таржимаси учун:

Ф.И.Ш	Тўлов муддати	Ишнинг аниқ таърифи, ишлаб чиқариш ҳажми	Шартнома бўйича ҳақ миқдори	Аслида тўланган ҳақ миқдори
Фаттахов Т.	26.12.1947 й.	o'zbek tiliga tarjima	9000	9000

Т. Фаттаховга қўшимча “Учинчи зарба” фильми таржимаси учун:

Ф.И.Ш	Тўлов муддати	Ишнинг аниқ таърифи, ишлаб чиқариш ҳажми	Шартнома бўйича ҳақ миқдори	Аслида тўланган ҳақ миқдор
-------	------------------	--	-----------------------------------	----------------------------------

Фаттахов Т.	3.06.1948 й.	o'zbek tiliga tarjima	5000	5000
-------------	--------------	-----------------------	------	------

Иловадаги рақамлардан кўриш мумкинки, шартномада кўрсатилган тўлов тўлиғича тўлаб берилган [9]. Совет маданиятини кенг тарқатишга БМХХБ ҳам катта аҳамият берганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Муаллифларни рўйхатга олиш, уларнинг аризалари бўйича ва жойлардан келган материаллар бўйича, шунингдек, ҳисоб-китоб варақалари ва ҳисоботлар бўйича амалга оширилган. Рўйхатдан келиб чиқиб, муаллифлар яратган асарлар, ихтиролар ва бошқаларнинг каталоги шакллантирилган ва ҳисоби юритилган. Шу орқали муаллифлар контингентини билиш ва хизмат кўрсатиш осонлашганлигини кўриш мумкин. Муаллифлар контингенти рўйхати шакллантирилганлигини қуйидаги илова орқали кўришимиз мумкин [10].

№	Соҳа	1950-йил	1951-йил	%
1.	Драматурглар	30	30	100%
2.	Таржимонлар	36	45	125%
3.	Композиторлар	119	120	101%
4.	Жами:	185	195	108%

Ушбу иловада келтирилган рақамларда муаллифлар сонини ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса II жаҳон урушидан кейинги йилларда нафақат марказда балки, республикаларда ҳам муаллифлар сонидан ва сифатда ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни такидлаш мумкинки, иккинчи жаҳон уруши бошланган даврда нафақат республикаларда балки, марказда ҳам муаллифларнинг ҳукуки муҳофазасини таъминлаш қийин бўлган. Ҳатто тизимда фаолият олиб борадиган ходимларни ҳам фронторти ишларга жалб қилиш ҳолатлари кузатилган. Шундай оғир шароитларга қарамадан БМХХБ Ўзбекистон бўлими, муаллифлар ҳимояси билан боғлиқ асарлар экспертизаларини амалга ошириш билан бирга, уруш кечаётган ҳудудлардан кўчириб келтирилган муаллифларни ҳимояси борасида фаолиятни амалга оширди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 9 case, 5- page.
2. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 9 case, 7- page.
3. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 9 case, 11- page.
4. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 9 case, 13- page.
5. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 3 case, 1- page.
6. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 9 case, 6- page.
7. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 9 case, 8- page.
8. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 31 case, 124- page.
9. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 31 case, 119- page.
10. National archives of Uzbekistan R-2432 foundation, 1- inventory, 27 case, 81- page.